SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/4 (3) - 2023

# ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

# АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

# ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SP1342V3SI4Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

***№ S/4 (3) – 2023***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2023**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа октори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

**Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

## *МУНДАРИЖА*

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ


*Аббасов Беҳзод Бахтиёрович*
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ ........ 10-21

*Бабаджанов Хасан Бахтиёрович*
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ ........ 22-27

*Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ........ 28-36

*Rasulov Ma'murjon Foziljonovich*
O‘ZBEKISTONDA XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS OBYEKTLARINING O‘RNI ........ 37-42

*Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна*
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ........ 43-51

*Esonov Ziyodbek Yuldashevich*
FARG‘ONA VODIYSI QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN ........ 52-58

*Фарманова Гульнара Комилевна*
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ ........ 59-65

*Turaev Sherzod Gulboy ugli*
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH ........ 66-71

*Сотиболдиев Ғайратжон Отамирзаевич*
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР ........ 72-78

*Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich*
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ........ 79-90

*Абдуллажанова Нигорахон Турдалиевна*
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН ........ 91-95

*Дониёров Носиржон Абдухолиқ ўғли*
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН ........ 96-102


### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ


*Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқулова*
ИСЛОМИЙ СУҒУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ........ 103-109

*Фозилов Умид Закирович*
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ ........ 110-118

*Shoyev Davronbek Axmadjonovich*
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O‘RNI ........ 119-125

*Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи*
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ........ 126-133

*Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur*
O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONIYATLARI ........ 134-139

*Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o‘g‘li*
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI ........ 140-146

*Ёдгорова Шахноза Хайридиновна*
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ ........ 147-155

*Qurbonov Ma’murjon G‘ayrat o‘g‘li*
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO‘RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI ........ 156-166

*Nurullayev Hoshimjon Hamidovich*
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O‘ZBEKISTON TURIZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI ........ 167-172

*Маматов Бахадир Сафаралиевич*
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ ........ 173-188

*Ғойипназаров Санжар Баходирович*
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 189-195

*Садинов Азиз Зиядуллайевич*
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 196-203

*Қурбонова Рахима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Хакимов Дамир*
ИЖТИМОИЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ ........ 204-216

*Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Mixammadqodir Muzaffar o‘g‘li*
YASHIL IQTISODIYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSIYALARNI YO‘NALTIRISH ZARURIYATI ........ 217-222

*Исломов Алишер Бахтиёр ўғли*
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ........................................ 223-229

*Agzamova Nargiza Gapurovna*
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN ..... 230-237

*Муродова Дилноза Чориевна*
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ........................................ 238-245

*Khodjaeva Shodiyabonu Abitdjanovna*
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING FUNKSIYALARI ........................................ 246-250

## *09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ*

*Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна*
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ ........................................ 251-259

*Ibroximov Sarvar Mo'ydinjon o'g'li*
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH ........................................ 260-265

*Yuldashev Ibroxim To'ychiyevich*
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING MUSHTARAKLIGI ........................................ 266-271

*Khamdamova Sitora Safarovna*
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA XOSLIGI ........................................ 272-277

*Абдуллаев Джасур Абдиваит ўғли*
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО ЧЕЛОВЕКА ........................................ 278-283

## *10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ*

*Xasanov Akbarjon Abdurashidovich*
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK BIRLIKLAR BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR ........................................ 284-292

*Qurbonova Muharram Jurabekovna*
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI ........................................ 293-297

*Сафарова Замира Рустамовна*
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ТАСНИФИ ........................................ 298-304

*Gubaydullin Artur Faridovich*
THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS' .... 305-313

*Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi*
ETEL LILIAN VOYNICHNING “SO‘NA” ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ... 314-318

*Seytnazarova Injayim Erjanovna*
TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO‘LLANILISHI ... 319-325

*Асадова Дилбархон*
ЎРХОН ПАМУҚНИНГ “ҚОРА КИТОБ” РОМАНИДА “ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ” МОТИВИ ..... 326-342

*Khusanov Eldor Davlat o‘g‘li*
BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALARINING O’XSHASH VA FARQLI JIHATLARI ... 343-348

## *12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР*

*Утемуратов Махмут Ажимуратович*
ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ... 349-355

*Шымбергенова Улзада*
ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ... 356-362

*Полвонов Нажмиддин Аслиддинович*
ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ... 363-372

*Мирзаев Шухрат Шавкатович*
КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ ... 373-382

*Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли*
“ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ” ... 383-392

*Махмудов Суннат Азим ўғли*
ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ... 393-399

## *13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ*

*Farrux Axmedov*
XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH ... 400-409

*Музафарова Саодат Хайдаровна*
ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ ... 410-415

*Xaydarova Iroda Nizomiddinovna*
BO’LAJAK INGLIZ TILI O’QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI NAZARIDAN 2020-2021 O’QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

*Шукурова Нафиса Алишеровна*
ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ ... 422-427

*Nigmanov Bori Botirovich*
FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O‘YINLARNING AHAMIYATI ... 428-433

*Муродова Дурдона Раимжон қизи*
БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ ... 434-438

*Axmedov Alisher Nosir o‘g‘li*
ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI ... 439-447

*Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi*
BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG‘LASH MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI ... 448-452

*Mansurbekova Feruza Gayratovna*
BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ... 453-456

*Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna*
O‘QITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO‘LLARI ... 457-465

*Atamuratova Munira*
O‘ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJIY TIL SIFATIDA O‘QITISHDA MADANIY ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL METODLAR TAVSIFI ... 466-471

*Нурилло Эминов*
ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА БИР НАЗАР ... 472-476

SCIENCE PROBLEMS.UZ

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ S/4 (3)-2023.**
**ISSN: 2181-1342 (Online)**
**https://scienceproblems.uz**

*07.00.00 – Тарих фанлари*

**Сотиболдиев Ғайратжон Отамирзаевич**
Наманган муҳандислик-қурилиш институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси
gayrat7986@mail.ru
Тел:+998939380399

## ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

**Аннотация.** Ушбу мақолада интернет тармоқлари ва таълим платформаларининг таълим жараёнига кириб келиши, унинг афзалликлари ҳамда муаммолари ҳақида сўз юритилади. Бугунги кунда глобаллашув жараёнида интернет технологияларини республиканинг барча соҳаларида муҳим ўрин тутгани каби таълим тизимида ҳам катта аҳамият касб этаётганини кўриш мумкин. Таълимнинг анъанавий шакли кейинчалик ахборот-коммуникация технологияларига асосланган янги инновацион шаклга ўтиши прогноз қилинган. Шу билан бирга интернетнинг ушбу соҳада тутган ўрни ва роли, таълимнинг онлайн шаклига ўтишининг пандемия туфайли тезлашуви масалалари кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Пандемия, масофавий таълим, интернет, MOODLE, HEMIS, “Kundalik.com”, “ZiyoNET”, онлайн плотформалар

**Сотиболдиев Гайратжон Отамирзаевич**
Старший преподаватель кафедры «Общественных наук»
Наманганского инженерно-строительного института
gayrat7986@mail.ru
Тел:+998939380399

## ИСТОРИЯ ПРОНИКНОВЕНИЯ ИНТЕРНЕТА В ОБРАЗОВАТЕЛЬНУЮ СИСТЕМУ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

**Аннотация.** В этой статье пойдет речь о проникновении интернет-сетей и образовательных платформ в образовательный процесс, его преимуществах и проблемах. Сегодня, в процессе глобализации, видно, что интернет-технологии имеют огромное значение в системе образования, поскольку они занимают важное место во всех областях республики. Предполагалось, что традиционная форма образования впоследствии эволюционирует в новую инновационную форму, основанную на информационно-коммуникационных технологиях. В то же время очерчиваются вопросы роли интернета в этой сфере, ускорения перехода к онлайн-форме образования в связи с пандемией.

**Ключевые слова:** Пандемия, дистанционное образование, Интернет, MOODLE, HEMIS, “Kundalik.com”, “ZiyoNET”, онлайн прлотформалар

**Sotiboldiev Gayratjon Otamirzaevich**
Senior teacher of the "Social Sciences" department of the
Namangan Engineering-Construction Institute
gayrat7986@mail.ru
Phone: +998939380399

# HISTORY OF THE PENETRATION OF THE INTERNET INTO THE EDUCATIONAL SYSTEM: PROBLEMS AND SOLUTIONS

**Abstract.** This article will talk about the penetration of Internet networks and educational platforms into the educational process, its advantages and problems. Today, in the process of globalization, it can be seen that Internet technologies are of great importance in the educational system, as they occupy an important place in all areas of the Republic. The traditional form of education was projected to later evolve into a new form of innovation based on Information Communication Technologies. At the same time, issues of the role and role of the internet in this area, the acceleration of the transition to the online form of education due to the pandemic are outlined.

**Key words:** Pandemic, distance education, Internet, MOODLE, HEMIS, "Kundalik.com", "ZiyoNET", online platforms

DOI: https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N09

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимига интернет технологиялари босқичма босқич кириб келмоқда. Республика таълим тизимига АКТ ҳамда таълим платформаларининг қўлланилиши билан боғлиқ жараёнларда юзага келган муаммо ва камчиликлар мавжуд. Интернет технологиялари республика иқтисодиётида, таълим тизимида устувор аҳамият касб этади ва Ўзбекистонни келгусидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишида янги тизимнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги № 191-сонли қарори ва бу муаммони ўрганган бир қатор муаллифларнинг тадқиқотлари таҳлил қилинган. Жумладан, А. Мўминовнинг Ахборотлашган жамият сари китобида "ZiyoNET" ахборот-таълим порталини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кўтарилган бўлса, И. Шамсиеванинг мақолаларида Ўзбекистон тарихини рақамлаштириш билан боғлиқ жараёнлар ўрганилган. Л.Махмудхўжаева ва Н. Файзуллаеваларнинг тадқиқотлари бевосита масофавий таълимнинг кириб келиши, унинг афзалликлари ва камчиликларига алоҳида урғу берилган. Ушбу мақола қиёсий таҳлил, тарихийлик, илмийлик, узвийлик каби методларга таянилган ҳолда ёзилиб, унда ахборот-коммуникация технологиялари ва интернетнинг республика таълим тизимида устувор аҳамият касб этгани ўрганилган.

**Муҳокама.** Ўзбекистонга интернет тармоқларининг кириб келиши XX асрнинг 90 йилларига тўғри келсада, таълим жараёнига кириши XXI асрга тўғри келади. Замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли – масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-191- сонли Қарори [1] асосида ZiyoNET тармоғи ресурс маркази ва унинг Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларидаги бўлинмалари ташкил этилди. ZiyoNET порталининг биринчи талқини 2006 йилда ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда ахборот технологияларини таълим тизимига жорий қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунончи, "ZiyoNET" ахборот-таълим порталини ташкил этиш, уни янада ривожлантиришга оид кенг кўламли чора-тадбирлар рўёбга

чиқариляпти. [2; Б. 51] Жумладан, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълим муассасаси мазкур тармоққа уланганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўкув масканларини компьютер техникаси ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш ишлари ҳам белгиланган режа асосида бажариляпти. Биргина 2011 йилда умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув муассасалари синфхоналарини замонавий компьютер воситалари билан жиҳозлаш лойиҳаси доирасида 376 та касб-хунар коллежи ҳамда академик лицей, улар қошидаги 280 та ахборот-ресурс маркази, 2154 та умумтаълим мактаби компьютер жамланмалари ва мультимедиа технологиялари билан таъминланди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари ва уларнинг ҳудудлардаги филиаллари оптик-толали алоқага эга бўлиб, улар “ZiyoNET” миллий таълим тармоғи ҳамда юкори тезлик билан ишлайдиган интернетга уланган. Интернет таълим платформасига туширилган ягона ахборот-кутубхона тизимига 300 мингдан ортиқ дарслик, қўлланма ва бошқа ўқув адабиётларига доир библиографик маълумотлар киритилган. 2013-2016 йилларда ушбу базани 30 мингдан ортиқ электрон дарслик ва китоблар билан тўлдирилди. Бугунги кунда республикада 12 мингдан ортиқ ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг фонди 83,6 млн нусхани ташкил этиб, 3,5 миллиони электрон шаклда эканлиги диққатга сазовордир.

Жамиятнинг глобал ахборотлашуви ва Ўзбекистон тарихини ўқитишга янгича ёндашув зарурати мамлакат тарих фанини модернизация қилишни тақозо этмоқда. Бугунги кунда республикада Ўзбекистон тарихига оид электрон мультимедиа дарсликлари, ўқув қўлланмалари ва веб-ресурсларни яратиш ишлари бошлангани қувонарли. Бу республиканинг жаҳон ахборот ҳамжамиятига тезроқ кириб келишига хизмат қилади ва тарих фанини янада юксак тараққиёт босқичига кўтариш имконини беради деб ишонилади [3; Б.160].

Таълим тизимига интернет технологияларининг кенг жорий этиш борасида аввало, ушбу тизимдаги муаммоларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. 2018 йил 9 январда Президент Ш.Мирзиёев раислигида йиғилиш ўтказилиб, унда масъулларга Интернетга кириш учун нархларни камайтириш, уланиш тезлигини 2020 йилгача камида 4 баравар ошириш ҳамда МДҲ мамлакатлари даражасига олиб чиқиш ҳақида кўрсатма берилди[4; Б.221-222]. Давлат раҳбари берган кўрсатмалар, кейинги йилларда ўз самарасини бера бошлади. 2018 йил 5 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сонли фармони[5; Б.2] имзоланди. Бунда халқ таълими муассасаларини бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шаффоф ва самарали жамоатчилик назоратига эришиш, шу жумладан, барча муассасаларнинг телекоммуникация тармоқларига уланишини таъминлаш, барча фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар манбасини яратиш, уларнинг фаолиятини баҳолашнинг электрон рейтинг тизимини жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда таълимга оид 307 та, илмга оид 55 та сайт фаолият кўрсатмоқда.[6]

Интернетнинг таълимга кириши жараёни 2020 йил мартдан бошлаб тезлашиб кетди. Бунинг асосий сабаби 2020 йил 15 мартдан пандемия туфайли республикада карантин ҳолати жорий қилинди. Вазиятнинг долзарблиги ва аҳоли саломатлигини сақлашга устувор аҳамият қаратган ҳолда, Республикадаги таълим муассасалари янги

ва ўзига хос иш тартибини амалга оширди. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида 30 мартдан бошлаб теледарслар, видеодарслар ва интернет тармоқлари орқали онлайн ўқитишга ўтилди.

Пандемия туфайли тизимга масофавий технологиялар жорий қилиниб, 10 мингдан зиёд таълим даргоҳларидаги 7 миллион ўқувчи ва 500 минг талабага онлайн дарс бериш йўлга қўйилди. Бу янги механизм карантин шароитида фанлар ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаб берди. Шу билан бирга, жаҳон экспертлари пандемия туфайли жорий қилинган қатъий карантин қоидалари таълим, жумладан, олий таълим учун янги имкониятлар яратганини эътироф этишмоқда. [7; Б.46-61] Мутахассислар фикрича, пандемия даври таълим тизимига ижобий ва салбий таъсир кўрсатади. Аввало, ютуқларга тўхталиб ўтсак:

Биринчидан, онлайн таълимни ривожлантиришни камида ўн йилга тезлаштирди. 2018-йилда THE (Times Higher Education) халқаро нашри ҳисоботида 2030-йилга бориб фақат нуфузли университетлар онлайн таълимга ўта олишини башорат қилган эди. Бироқ, биз ҳозир кузатаётганимиздек, COVID-19 пандемияси бу жараённи тезлаштирди.

Иккинчидан, барча профессор-ўқитувчилар, ёшидан қатъи назар, таълим платформалари билан ишлаш, масофавий таълим ва уни амалга ошириш бўйича ўз билим ва кўникмаларини эгаллади. Масофавий таълимни таҳлил қилиш ва янада ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Кўриниб турибдики, масофавий таълим ҳозирда келажак учун тажриба сифатида хизмат қилмоқда.

Учинчидан, республика олий таълим муассасалари ва хорижий олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланди. Бир қанча университетлар дунё бўйлаб етакчи таълим муассасалари билан онлайн конференциялар ва вебинарлар ташкил этишди. Янги шароитларга тез мослашиш, айниқса Zoom интернет платформасида ишлаш мисли кўрилмаган имкониятларни тақдим этди. Ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам янги кўникмаларга эга бўлишди. Бироқ, масофавий ва онлайн таълимни ташкил этишмуайян муаммолардан ҳоли бўлмади, хусусан:

– мамлакатда масофавий ва онлайн таълимга ўтишга, жумладан, профессор-ўқитувчиларнинг бу борадаги малакасини ошириш бўйича зарур ташкилий ишлар етарли даражада тайёрланмаган. Бинобарин, турли ҳудудларда таълим сифати, ташкил этилиши ва алоқа тизимлари билан боғлиқ муаммолар ва қийинчиликлар пайдо бўлди. Бундан ташқари, видео дарсларнинг стандарт давомийлигини жуда секин интернет тезлиги ва мавжуд маълумотларга киришнинг чекланганлиги каби омиллар туфайли 80 дақиқа қилиб бўлмас эди. Натижада, ўқитувчиларга 80 дақиқалик маърузаларини қисқароқ муддатларга (20-30 дақиқа) қисқартириш учун услубий кўникмалар керак бўлди.

– пойтахтдан, вилоят марказларидан ва туман марказларидан узоқда, мамлакатимизнинг турли вилоятларидаги чекка қишлоқларда истиқомат қилувчи талабалар турли алоқа тизимларидан фойдаланади. Бу жараёнда фақат шаҳар ва яхши алоқага эга бўлган жойларда талабалар бироз яхшироқ имкониятларга эга эди. Zoom каби платформаларда видео дарсларга ўртача қатнашиш 100 нафардан 20-25 нафарни ташкил қилган.

– Кўпчилик ўқувчиларда зарур техник жиҳозлар етишмайди, аксарият оилаларда фақат битта қурилма бор, натижада ундан фойдаланиш учун навбатда туришади.

– масофавий таълимда ўқув жараёнида мулоқот самарадорлиги анъанавий синфда ўқитишга нисбатан пастроқ. Талабаларнинг мавзуни тушунишини кўрсатадиган юз ифодалари ва бошқа белгилар шахсан мулоқотда осонгина сезилади, масофавий таълимда эса қийинроқ. Республикада масофавий таълимнинг келажакдаги истиқболлари иккита ёндашувни ўз ичига олади: реал вақт режимида синхрон таълим ёки реал вақтда бўлмаган режимда синхрон бўлмаган таълим. Бироқ, иккала усул ҳам муваффақиятли амалга ошириш учун ишончли ва тезкор интернет уланишини талаб қилади. Бусиз масофавий таълимнинг истиқболлари чекланган.

Карантин даврида онлайн таълим ўқитувчилар ва талабаларни икки гуруҳга ажратди: ўз маҳорати ва малакасини ошириш учун виртуал таълим афзалликларидан фаол иштирок этаётган ва фойдаланаётганлар ва унда минимал иштирок этаётганлар. Шунга қарамай, онлайн таълимнинг ушбу ғайриоддий тажрибаси анъанавий таълим тизимига нисбатан уларнинг махсус билимларини сезиларли даражада оширмаган бўлса ҳам, талабалар ва ўқитувчилар учун қимматли сабоқ ва кўникмаларни тақдим этди. [8; Б.44]

Келажакда кенг тарқалган таълимни осонлаштириш учун анъанавий оммавий таълимни қайта тиклаш ва фойдаланувчиларга қулай ва тушунарли хусусиятларни ўз ичига олган янги Moodle каби таълим платформаларини яхшилаш жуда муҳимдир. Бунга эришиш учун педагогларнинг ҳамкорлиги ва ахборот технологияларидан фойдаланувчиларнинг ёрдами талаб этилади.

Пандемия даврида олий таълим муассасалари Moodle масофавий таълим платформасидан фойдаланганлар. Бироқ, кредит-модул тизимига ўтиш билан барча таълим муассасалари HEMIS таълим платформасидан фойдаланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2021 йил 6 сентябрдаги “Таълим жараёнини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” ги 284-сонли буйруғига мувофиқ, республикада фаолият олиб бораётган 6028 та умумий ўрта таълим муассасаларида “Kundalik.com” платформаси жорий этилди.[9] Ушбу платформа ўқувчилар билимини баҳолаш жараёнини рақамлаштириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, бу ўқитувчига маълум бир қулайликларни яратган. Афзаллиги шундаки, қўйилган баҳоларни ўзгартириб бўлмайди, ота-оналар учун қўйилган баҳо кўринади, ортиқча қоғозбозликка ҳожат йўқ. Шу билан биргаликда ушбу платформанинг маълум бир камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Электрон журнал ўқитувчига кўрингани сингари ота-онага ҳам бир хил кўринмайди, яъни ота-она фақат ўз фарзандини баҳосини кўра олади. Унда ота-она фарзандини бошқа ўқувчилар билан таққослай олмайди. Бундан ташқари республиканинг олис интернет яхши ишламайдиган ҳудудларида ўқитувчиларга электрон журнални тўлдириш муаммолар туғдирмоқда. Бу тизимни интернет билан таъминланганлик даражасига қараб жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Тадқиқот натижалари.** Таълим тизимида бундай платформаларнинг жорий этилиши ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларни баҳолаш жараёнларини рақамлаштиришга ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилиши кўрсатилган. Масалан HEMIS платформасида талаба ўзига керакли манбани платформадан қидириши, дарс жадвалидан тортиб, талабанинг шахсий маълумот ҳужжатлари: рейтинг дафтарчаси, ўқиётганлиги ҳақида маълумотнома, тўлов шартномаси кабиларни ўз ичига жамлаган.

Бундан ташқари платформада талаба учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам қулайликлар ўзаро алоқалар учун замин яратилган. Ушбу платформаларнинг равон ва хатосиз ишлаши учун албатта, интернетнинг ўрни катта ҳисобланади. Айрим мобил алоқа тармоқлари томонидан талаба ёшлар учун тарифлар жорий этилдики, лекин бу етарли эмас деб ҳисобланади. Шу ўринда шуни таклиф қилиш мумкинки, таълим платформаларини мобил алоқа тармоқлари билан ҳам боғлаш зарур. Бунда таълим платформасида қайд этилган шахс, яъни, талабага интернет тарифларини керак бўлса текин қилиб бериш керак. Чунки давлатнинг келажаги, юртнинг фаровонлиги бевосита таълимга боғлиқдир. Таълимга интернет технологияларнинг жорий этилиши Ўзбекистон Республикасини жаҳон рақамли иқтисодиётидаги ўрнини кўрсатиб беради.[10; Б.4-8]

**Хулосалар.** Таълим билим, кўникма ва малакаларга йўналтирилган саноат жамияти шароитида XX аср анъанавий тарзда яхши бўлган модел ўтмишда қолмоқда. Мавжуд инқироз шароитида анъанавий таълим тизими ўз вақтида сезиларли даражада кечикадиган таъсирлари билан рақамли трансформация вазифаларига мослашишга вақт топа олмаслиги аён бўлди.

## Адабиётлар/Литература/References:


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 28.09.2005 йилдаги ПҚ-191-сон https://lex.uz/docs/858969 Resolution of the president of the Republic of Uzbekistan, PQ-191 of 28.09.2005 https://lex.uz/docs/858969
2. Мўминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. –Тошкент; “Турон замин зиё” нашриёти , 2013 йил Б. – 51.
3. Muminov A. Uzbekistan: towards an informed society. - Tashkent; publishing house” Turon Zamin Ziyo", 2013 B. – 51.
4. Шамсиева, И. М. История Узбекистана в UZNET //
5. Информационный бюллетень Ассоциации «История и компьютер». - 2006. - № 34. - С.160.
6. Shamsieva, I. M. The History of Uzbekistan in UZNET // Newsletter of the Association "History and Computer". - 2006. - No. 34.-p.160
7. Марзияев Ж.К., Алишова А.Б. Перспективы развития Интернет журналистики в Узбекистане. В сборнике: Донецкие чтения 2018: образование, наука, инновации, культура и вызовы современности. Материалы III Международной научной конференции. Под общей редакцией С.В. Беспаловой. 2018. С. 221-222.
8. Marziyaev Zh.K., Alishova A.B. Prospects for the development of Internet journalism in Uzbekistan. In the collection: Donetsk Readings 2018: education, science, innovation, culture and challenges of our time. Materials of the III International Scientific Conference. Under the general editorship of S.V. Bespalova. 2018. pp. 221-222.
9. "Халқ сўзи", 2018 йил 6 сентябр, 184 (7142) Б.–2.
10. "The word of the People", September 6, 2018, 184 (7142) B.-2.
11. WWW.UZ миллий қидирув тизими сайтлар каталоги 2023 йил 2 май ҳолатига WWW.UZ national search engine sites catalog as of may 2, 2023
12. Махмутходжаева Л.С. Онлайн образование и цифровые средства обучения в вузах Узбекистана. Открытое образование. 2021. Т. 25. № 3. С. 46-61
13. Mahmutkhodzhayeva L.S. Online education and digital learning tools in universities of Uzbekistan. Open education. 2021. Vol. 25. No. 3. pp. 46-61

14. Файзуллаева Н.С. Пандемия шароитида олий таълим тизимида таълим хизматларининг трансформацияси Олий таълим: муаммо ва ечимлар республика илмий-амалий конференцияси илмий мақола ва тезислар тўплами, – Тошкент; 2020 йил 25 май. Б. – 44.
15. Fayzullaeva N.S. Transformation of educational services in the higher education system in the context of a pandemic higher education: problems and solutions Republican scientific and practical conference collection of scientific articles and abstracts,-Tashkent; may 25, 2020. B. – 44.
16. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг "Умумтаълим мактабларида ўқувчилар билимини баҳолаш жараёнини рақамлаштириш ва таълим жараёнида шаффофликни таъминлаш" тўғрисида 2022 йил 24 июндаги 205-сон буйруғи.
17. Order of the minister of public education of the Republic of Uzbekistan No. 205 of June 24, 2022 on "digitalization of the process of assessing the knowledge of students in secondary schools and ensuring transparency in the educational process".
18. Шамсиева И. М. Тарихни ўқитиш жараёнида QR-кодлар: Ўзбекистонда уникўллашнинг имкониятлари, муаммо ва истиқболлари //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2019. – №. 18. - tadqiqot.uz
19. Shamsieva I. M. QR codes in the process of teaching history: opportunities, problems and prospects for unicolation in Uzbekistan // LOOK TO THE PAST – 2019. – №. 18. - tadqiqot.uz

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SP1342V3SI4Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

*№ S/4 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).